

Б У Г У Н

М А К Т А Б -

Л А Р Д А

Я Н Г И Ў Қ У В

Й И Л И Б О Ш -

Л А Н А Д И

САЛОМ, ЖОНАЖОН МАКТАБ!

*БУ ЙИЛ РЕСПУБЛИКАДАГИ ЎН САККИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ. *ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЭЛИК ЙИЛЛИГИГА ЎН УЧ ҚАВАТЛИ КОРПУС ИШГА ТУШИРИЛМОҚДА. *ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОНДА 160 ДАН Ортиқ ТЕХНИКУМ ВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БИЛИМ ЮРТЛАРИ ИШЛАЙДИ.



Ўани сизлар не дейсиз?

Шоирингиз савол берав:
Болажонлар ким билар?
Ўқиш сўзи нимадур,
Ўқиш ўзи нимадур?
Сиз бунинг ўйлаб кўринг,
Ўй унинг ўйнаб кўринг
Ўнгача мен айтиб олай,
Биларинингман қалай;
Ўқиш-ўқиш, билишдир,
Ўқиш—куч, ақл-хушдир,
Ўқиш—онг, удеан ишдир,
Ўқиш савол-жавобдир,
Ўқиш ишга кўз-қошдир,
Ўқиш ишга илк бошдир...
Ўқиш савол-жавобдир,
Сайри-саёхат боддир:
Мактаб синфда туриб,
Бутун оламни кўриб,
Ер юзю осмонин,
Унда бор жонсиз жонин,
Неча минг чексиз конин.

Дарё денгиз океани,
Ўқимасин билиб олиш,
Одам эзмига солиш,
Қандай гузал чиройлик,
Қандай гузал чиройлик,
Ўқимасин олам китоб,
Муаллимни ой, офтоб,
Китобим — ойна жаҳой,
Мактаб, синфимиз—загон,
Ўқ, вагонмас ракета,
Бутун дунё харитам,
Тоғ-қирлар — тарта, доскам,
Ер-замин — синфхонам,
Дов-дарахт — мактаб, боғим,
Юлдузлар — гул, чиройим,
Ўқиш — гашт, кино менга,
томоша дунё менга,
Ўқимасин дунёсида,
Мактаб, илм жонсизда,
Бунинг айтган тилсимот,

Эрталарки, учарот,
Хурр-ғилмон одамлар,
Биз кўрмаган одамлар,
Оқ кўш, доно малика,
Яхшилик еру-қўқка,
Раиғ-баранг, ажойибот,
Бир-бирдан ғаройибот,
Улуғбек бобом иши,
Осмон сирин билиши,
Ойга одам қўйиши,
Ўйб Сино билими,
Ломоносков илими,
Карл Маркс сўзлари,
Ленин бобом кўзлари,
Партиямизнинг иши,
Совет халқим турмуши,
Ер илми, осмон билими,
Илм гули нисон билими,
Ўқимасин билувчи,
Сиз-бизга билдирувчи,

Коммунизм курувчи,
Одамнинг улуг кучи,
Одам ўқиш ичиди,
Одам ўқиш кучида,
Ўқиш тўрт харф пинжида,
Мен шунинг илминда,
Ўқимасин ўқисам,
Ўқиш билим тўқисам,
Ўқиш олам қалити,
Ўқишдур олам бахти,
Мана меннинг билганим
Сизни севиб деганим,
Ўқиш сизлар не дейсиз?
Ўқимасин булсин эгиз,
Ўқимасин айтганимиз!
Ўқиш сўзи нимадур,
Ўқиш ўзи нимадур.

Қуддус МУҲАММАДИЙ.

СЕНТЯБРГА АРМУҒОН

— Районимиз меҳнаткашлари фарзандлари учун янги 1970—1971 ўқув йили арафасида муносиб совғалар ҳозирланди, — дейди Оржоникидзе район халқ маориф бўлимининг муdiri ўртоқ С. Ҳасанов. — Биринчи сентябрга бир қатор янги мактаблар ҳам армуғон этилди. Шулардан бири Ленин номидаги колхоз территориясида қурилиб фойдаланишга топширилган ҳашаматли мактаб биносидир.

Таърибли ва моҳир педагог Самин Содиқов директорлик қилаётган Тимирязев номидаги мактаб ўқувчиларининг қувойчи

чексиз. Улар янги ўқув йилини ана шу кенг ва бутун синфхоналарга эришган мактаб биносида бошлашади. Бу ерда колхозчиларнинг 700 га яқин фарзанди таълим олади. Ўқитиш, машғулотларни амалга оширишда мустақамлаш ишларини янада яхшилаш мақсадида ўқув кабинетлари ва лабораториялар ташкил этилди.

Мактабни қуриб беришда Ленин номидаги колхознинг оталиқ ердами катта бўлди. Бу олий-ҳимматдан ота-оналар ҳам, педагоглар ҳам хурсандлар.

Сурагд: янги мактабнинг қурилиши.

А. АБАЛЯН фотолари.

ЭНЁБАХШ ДАРГОҲ



ТАЪЛИМ ВА МЕҲНАТ—ЭГИЗАК



Ўқитиш ишлари амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориладиган таълим тартибига ўзгартирилди. Бунинг учун ҳар бир педагогик коллектив таълим-тарбиянинг янги усулларини моҳирона фойдаланиши даркор.

Мактабнинг ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустақамлаш шу кунининг муҳим вазифаси эканини КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларида алоҳида кўрсатиб ўтилди. Қарорда қишлоқ умумий таълим мактаби, совет интеллигенциясининг катта отряди—қишлоқ ўқитувчилари, қишлоқ ҳўжалигининг бўлажак меҳнатсеварларини тарбияловчи, уларда коммунист

тик онглигини, ҳаётга, фаол меҳнатга ва иқтисодий фаолиятга шай бўлиб турши ҳиссини шакллантирувчи эиюрлар катта роль ўйнамагани таъкидланди.

Маъмур ҳужжат мактабимиз педагогик коллективини учун ҳам дастур бўлиб қолди. Таълимни қишлоқ ишлаб чиқариши билан боғлаш юзасидан қатор тадбирлар белгиланди. Чунинчи, янги ўқув йилидан юқори синф ўқувчилари билан тракторчилик ихтисосини бўйича машғулоти олиб борилади. Бунинг учун «Қорасу» совхозидан алоҳида жой ажратилди.

Мактабларда меҳнат таълимини жорий этиш учун кўпгина масалаларни ҳал қилиш лозим бўлади. Бизнингча, қишлоқ ўқитувчиларига, ҳуусан оз комплекти мактаблар учун ёрдам тариқасида махсус педагогик адабиёт нашр этиш фойдаланган ҳоли бўлмасди. Биология, химия, география ва бошқа фанлар қишлоқ ҳўжалигига йўналтирилган бўлиши кераки, булар янги факультатив курслар оиниши талоқо этиди. Уларда машғулотларини олиб боришга меҳнаткорлар, агрономлар, зоотехниклар жалб этилса, кўзланган мақсадга эришилади.

Меҳнат таълими бўйича ишлаб чиқилган программа ва ўқув қўлланмалар бироз эскириб қолган деб ҳисоблаймиз. Шу сабабни таъкидлаш билан программа ва ўқув қўлланмалари яратилиши вақти келиб этиди.

Ш. ОРИФХУҲАЕВ,
Калинин районидаги 86-мактабнинг директори.

БОҒЧАДАН МАКТАБГА

Бола мактаб босқичига муваффақият билан ўтиши учун тайёрланган бўлиши керак. Бунда, шубҳасиз болалар боғчасининг роли ва иштироки катта. Чунки, кўпчилиги ўғил-қизлар боғчадан мактабга кузатилади.

Шунинг учун ҳам боғчада мактаб ёнига қўйилган бола-лар тарбияси муҳим аҳамият касб этади. Ишни шундай таш-

кил этиш лозимки, биринчи синфга борадиган бола ҳар томонлама ўқишга тайёрланган бўлсин. Шундангина ўқитувчи уларнинг олган билим ва малакаларига таъини, ўқиниши яхши олиб боради.

Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, соғлом ва жисмоний яхши ҳолатда чиниққан бола ўқув материалларини яхши ўзлаштири-

ди, дарсга мунтазам равишда қатнашади.

Бошқа тарбия муассасаларида бўлгани каби бизнинг боғчада ҳам ана шу масалаларга катта аҳамият берилмоқда. Бола-ларнинг овқатланишидан тортиб, юриш-туриш, кийибини таъини ҳамма-ҳаммаси бўйича тарбия белгиланган. Серҳаранат ўғил-лар, гимнастика, сайр қилиш

каби жисмоний воситалар тарбия иши билан бевосита қўшиб олиб борилади.

Методик совет программаси ҳам хилма-хил темаларни ўз ичига олган. Шулардан бири болаларнинг ёзувга ўргатиш машғулоти ҳам ҳисобланади. Бундай машғулотларда бола-лар қўлларини идора қила билишга ўрганадилар. Шу билан бирга уларнинг стулда ўтиришига ва қаламини тўғри тутишига эътибор қилинади.

Тарбияланувчиларнинг пўтки қанчалик аниқ бўлса, улар мактаб программасида кўрсатилган ўқув материалларини шуна пухта ўзлаштиришади. Жамила Абдухалилова, Софийа Нуриева, Ольга Тен ва бошқа тарбиячи-лар томонидан олиб борилаётган бу хилдаги машғулотлардан ота-оналар хурсанддилар.

Бу йил 30 ўғил-қизини мактаб кўчоғига узатди. Улар бутун синфдошлари билан ўқишга киришадилар.

М. ХОЛИҚОВА,
Тошкентдаги 167-боғча му-дир.

СУРАГДА: моҳир тарбиячи Ольга Тен мактабга кузатишган бола-лар билан.

А. АБАЛЯН фотолари.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Беринда ўқув-моддий базасининг мустақам бўлиши муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам район мактабларида аниқгина ишлар қилинди. Кейинги ўч йил ичиди районда 2576 ўқувчига мўлжалланган 7 та янги мактаб ишга туширилди, 3888 бола ўқийдиган 97 та қўшмача синф хона қўрилди. 8 та ўқув устaxonаси фойдаланишга топширилди.

Янги ўқув йилига ҳам муносиб армуғонлар ҳозирланди. Бир йўла 8 та мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу янги билим ўчоқлари 5056 ўқувчини ўз бағрига олади.

Шу билан бирга мавжуд билим ўчоқларида қўшмача қурилиш ишлари олиб борилади. Натижада 50 дан ортиқ синф хона қуриб битказилди ва ишга туширилди.

Ўзбекистон маъмурий, район ҳўжаликлари, корхоналари ва жамоат ташкилотлари янги 1970-1971 ўқув йилига барабақ тайёрланиш юзасидан Мурожат қабул қилган эдилар. Шунинс қувончлики, район меҳнаткашларининг бу ибратли ташаббуси Тошкент область партия комитети томонидан маъқулланди ва ун кенг ёйиш тавсия этилди.

Бу, шу йилининг баҳориди бўлган эди. «Сўз бердигини» унинг устидан чиқ» деган широн ўртага ташланди. Ҳар бир педагогик коллектив янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини қўшни бошлаб юборди. Қалитал ва жорий ремонт иш-лари сифатли тугалланди. Бу ўрнида Ф. Ў. Директорлик қўлаётган 1, У. Сиддиқов директорлик қилаётган 42, А. Омонидов директорлик қила-

ётган 48, Б. Ефимова директорлик қилаётган 78-ва бошқа мактабларни алоҳида кўрсатиб ўтмоқчимиз. Бу мактаблар янги ўқув йилига барабақ тайёрлаб қўйилди. Бу ишлар ўқув йили ҳозирлигига ушшоқлиқ билан киришганлигининг самараси, оталиқ ташкилотларининг болажонлик намунасидир.

Дарвоқе, оталиқ ташкилотларининг маориф ходимларига кўрсатилган амалий ёрдамлари катта. Районимиздаги бирон йирик ҳўжалик ёки корхона кўчк, улар у ёки бу мактабни ўз оталигига олишмаган бўлсин! Тўйгепа металл кон-струкцияси заводи (директор М. Серпиков) оталигиди қиз-қизлар янги ўқув йилига тайёргарлик қўришда ҳар томонла-

ма ёрдам берди. Райондаги Калинин номидаги колхоз (ранис Х. Омонов) ҳам катта ҳўжмат кўрсатди. Ҳўжалик кучи билан янги мактаб биноси қўрилди. Янги ўқув йилида унда колхозчиларнинг 520 дан ортиқ ўғил-қизини таълим олади.

Худди шундай «Ўртасарой» совхоз (директори Р. Галиуллин), «Оҳангарон» совхоз (директори Р. Нурдощев) ва бошқа ҳўжаликлар ҳам мактаб иши—умумхалқ иши эканлигини чуқур ҳис қилди ҳар бири 320 ўқувчига мўлжалланган ҳашаматли мактаб биноларини қуриб бердилар. Ҳозирги кунда Свердлов номида, «Партия XXII съезди» колхозларида ҳам мактаб бинолари қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётган.

Умумий ўрта таълимга ўти-

лиш муносабати билан катта ишлар амалга оширилмоқда. Янги программалар бўйича ўқитувчилар малакаси оширилди. Жойларда методик кўрсатмалар бўйича алоҳида стендлар ташкил этилди ва йўлланмалар берилди. Мактабларнинг ўқув кабинетлари сифатли жиҳозланди, янги техника воситалари билан таъминланди.

Бу ишлар район меҳнаткашларининг янги ўқув йилига тайёргарлик қўриш муносабати билан қабул қилган социалистик Мажбуриятларида кўрсатиб ўтилган эди. Бугунги кун да районимизда ҳамма нарсаянги ўқув йилига тахт. Мактабларимиз 1 сентябрни ана шундай зўр ушшоқлик ва катта тайёргарлик билан қўтиб олди.

Л. НУРИЛЛАЕВ,
Ўрта Чирчиқ район халқ маорифи бўлимининг му-дир.

Б. ҒАФУРОВ,
Тошкентдаги Н. Ғаниев номидаги кинотехникумининг директори.

ДЕФОЛНАЦИЯНИ КЕЧИКТИРМАНГ

МУТАХАССИСЛАР
МАСЛАҲАТИ

Дефолнацияни сифати ўтказмасдан туриб, пахтани маҳинда терини кўнгилдадек амалга ошириб бўлмайди. Бизда машина теринини бошлаш олдидан гўза баргини тўктириш ва дефолнантлардан фойдаланиш соҳасида катта илмий ҳамда ишлаб чиқариш тажрибаси тупланган. Лекин айтиш кераки, дефолнацияларни қўллашда ҳамма вақт ҳам яхши натижага эришилмайди. Бунини шу билан изоҳлаш кераки, қўшнча дефолнантларни қўллашда қўшнча амал қилинмайди.

Бу йил об-ҳаво яхши келди. Гўза тез ривожланибди. Демак, гўзаларда бир-иккита кўсак очилганда дефолнацияни самарали ўтказиш мумкин. Айрича жойларда эса қўшнча гўза гунарида иккита-учта кўсак очилганда ҳам ҳосилга эриш етказмасдан барг тўкишни муваффақиятли ўтказиш мумкин.

Ана шуни ҳисобга олиб, гўза баргини тўктириш юзасидан қилинган ишларни ҳеч бир кечиктирмасдан кенг қўламда қилиб бериш керак. Бошқача қилиб айтганда, дефолнация барча ҳўжаликларда дефолнацияни энг яхши мўддатларда ўтказишга эришиш зарур.

Бу жиҳатдан Оққўрғон райони пахтакорларининг тажрибаси ибратлидир. Оққўрғонликлар ҳар йили, об-ҳаво шароити қандай келишидан қатъий назар, таллаб дефолнация қилишни 25 августдан бошладилар. Бунда асосан эрта ливар пахта этиштириладиган майдонлар

таллаб олинадилар. Гўза баргини дориллаш иши 15 сентябрга қадар тугалланади. Шунинг учун ҳам оққўрғонликлар ҳар йили машина терини ливарини ортин билан бажаришга эришадилар.

Ҳозирги кунда Оққўрғон ва Бўқа районларининг ҳўжаликлари гўза гунарида кўсакларнинг очилишини ҳисобга олган ҳолда дефолнация ишига киришдилар. Лекин шу билан бирга Янгийўл ва Бекобод районларининг айрим ҳўжаликларидан гўза баргини тўктириш ишини ҳеч бир асоссиз равишда кечиктириб юбормоқдалар.

Мусобақадор районларнинг ўзаро тегишли шунини кўрсатдики, айрим ҳўжаликларда далалар бегона ўтдан тўла тозаланибди. Бироқ, бу ҳўжаликларнинг раҳбарлари ўзаро тегишли бригадаси аъзоларининг тақрибий музоакзаларидан қанчалича тегишли хулоса чиқариб олмаганлар. Далаларни ўтдан тозалаш ишини яхши ташкил қилмаётдилар. Ваҳоланки, бегона ўтдан обдон тозаланибди далаларда дефолнация ўтказилганда яхши самарага эришилмайди.

Ҳар бир участка бўйича дефолнация ўтказиш мўддатлари ҳўжаликларнинг агротехника соҳаси томонидан белгиланиши керак. Дефолнация олдидан юқоридан айтганимиздек, далалар бегона ўтдан тозаланиш зарур ва бу ишни бошлашдан 3—4 кун олдин сугоришни тугатиш керак.

Дефолнация ўтказиш вақтида

дефолнантларни қўллашнинг қондирилганда салбий таъсир қилмайдиган факторларга алоҳида эътибор бериш зарур.

Дефолнантларнинг таъсир қилиш самараси аввало уларнинг қўллашнинг мўддатларига боғлиқ. Бунда шуни унутмаслик кераки, бир кеча-кундузги ҳарорат нисбатан юқори бўлган пайтда дефолнация ўтказилса, қўллашнинг дориллаш баргларини максимал тўқатиш ва кўсакларнинг очилишини тезлаштирилади.

Ана шуни ҳисобга олиб, дефолнацияни энг яхши мўддатларда ўтказиш учун курашни ҳозирги кундаги муҳим вазифалардан эканлигини унутмаслик керак. Дефолнациянинг сифатли ўтказилиши пахта терини маҳиналарининг юқори унум билан ишлашга шароит яратиб беради. Агар дефолнация энг яхши мўддатларда ва агротехника талабларига қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилса, гўза баргини иккинчи бор дориллаш учун сира ҳам эҳтиёж қолмайди.

Гўза баргини тўктиришда қўллашладиган дефолнантларнинг самарадорлигига эришиш кўп жиҳатдан самолётларнинг ва ердаги агрегатларнинг сифатли ишлашига боғлиқ.

Бунда самолётларнинг паст-баланд учинишга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Самолётларнинг учиниш баъзиларини, уларнинг иш шароитидан қатъий назар, 5 метрдан ортмаслиги керак. Акс ҳолда гўза баргларини бир текисда дориллашмайди, ик-

кинчилар ҳар бир единица майда белгиланган нормадаги терини сепилишти эришмайди. Оқибатда гўза баргларини бир текис тўқилмайди. Кўсакларнинг очилиши кўнгилдадек бўлмайди. Натижада гўза баргларини иккинчи бор дориллашга тўғри келади.

Ҳўжаликларнинг раҳбарлари, айниқса, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича агротехниклар, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги авиацияси ходимлари самолётларнинг сифатли ишлашига эътиборини қўлайтиришлар. Сигналчиларнинг хизматидан фойдаланмасдан туриб, самолётларнинг ишлашига йўл қўймаслик керак.

Дефолнациянинг самарадорлиги, шунингдек, ҳар бир майдон бирлигига нормадаги паратларини моҳирлик билан сарфланишига ҳам боғлиқ. Ҳар бир майдон бирлигига қанча дефолнант сарфлаш инструкция қўллашмасида кўрсатилган.

Ҳар бир майдон бирлигига нормадаги дорини сарфлаш керак. Агар дорини сарфлаш нормаси орттириб ёки камайтириб юборилса гўза баргларини яхши тўқилмайди. Кам дорини сарфлаганда гўза баргини кам тўқилди, кўп сарфлаганда эса гўза пойларини ва баргларини қуриб қолади. Уларнинг тўқилиши қийин бўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам машина терини учун ажратилган майдонларини қайтадан дориллашга тўғри келади. Бу, албатта, терини ишни кечиктирилади ва ҳосилнинг сифатига путур етказилади. Ана шуни ҳисобга

олиб, дефолнация вақтида ишлатилган дориларини тайёрлаш сифатига ва уларни сарфлаш нормасига қаттиқ амал қилиш керак.

Дефолнация иши белгиланган тартиб-қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда ўтказилса, ҳеч сўзсиз, қўтилган мақсадга эришилади. Дефолнация ўтказиш билан банд бўлган кишиларнинг соғлиғига сира ҳам эиён етказилмайди.

Областимиз пахтакорларининг фидокорона меҳнати туфайли далаларда давлат ва соҳа-листик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳосил этиштирилди. Эндики асосий вазифа пахтани ўз вақтида ва ушқоқлик билан териб олинишни ташкил этишдир. Ҳосил илгир-теринини, айниқса, машина теринини тўғри ташкил этиш давлатга пахта топириш ливарининг мўддатидан илгари бажарилишини таъмин этиди. Бу ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан гўза баргини тўқинишда қўллашладиган дефолнантлардан ишнинг қўзғини билиб ва моҳирона фойдаланишга боғлиқдир.

А. ИМОМАЛИЕВ,
ВАСХНИЛнинг муҳбир-аъзоси, профессор.

Т. ЗОКИРОВ,
қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори.

С. БОНДАРЕНКО,
ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими станциясининг директори.



ДУНЁ ОВОЗИ ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ПРАГА

Чехословакиянинг марказий матбуоти КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг нутқини жуда муҳим сийёсий воқеа деб ҳисобламакда. «Руде право» газетаси бу нутқини «Тинчликни таъминлаш йўлидаги илҳомий қадам» деган сарлавҳа билан биринчи саҳифада босиб чиқарди. Газета бу нутқда биргаликда ишлаб чиқилган муштарак сийёсатни ўтказиб келаётган социалистик мамлакатларнинг бирлиги тўғрисида, СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги партнёрлик аҳамияти ҳақида айтилган гапларини батафсил баён қилмоқда.

ҚОҲИРА

Миср жамоатчилиги Л. И. Брежнев нутқини фолт қилиб қўйиб олди. Қоҳирадаги газеталарнинг ҳаммаси нутқини ТАСС юборган батафсил баёнини биринчи саҳифада кўзга кўрсатиш жойларда босиб чиқармади. Шу билан бирга газеталар шу нутқда яхши Шарҳдаги назилни аниқлаш қилиб айтилган гапларга алоҳида эътибор бермади.

Бутун «Ал жумҳурия» газетаси нутқининг баёнини биринчи саҳифада катта ҳарфлар билан терилган қўйидаги сарлавҳа остида босиб чиқарди: «Брежнев томонидан қилинган жиддий оғоҳлантирув. Агрессорларнинг

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Олмаотадаги тантанали мажлисда сўзлаган нутқини матбуотда, радио ва телевидение орқали кенг ёритиш давом этмоқда. Бу нутқ бутун дунёда ҳаммага фолт қилишди. Барча қатъалардаги ахборот органлари нутқда айтилган асосий фикрларини батафсил баён қилмоқда ва шарҳламакда.

жиноят самараларидан фойдаланишларига йўл қўймаймиз. Агрессия оқибатларини тугатиш ва Исроилнинг барча қўшинларини оккупация қилинган араб территорияларидан чиқариб юбориш зарур. Исроилликлар сийёсий бартарф қилиш имкониятини қўлдан бермасликлари керак. Улар натижа бермайдиган ва Исроилнинг тақдирини ҳавф остида қолдираётган уруш олиб бораётганликларини тушиниб олишлари керак.

«Ахбор алия» газетаси ушбу нутқда «Л. И. Брежневнинг қатъий оҳангга сўзлаган бу нутқ Янтинг ливарини йўлга қўйишга қўллар солиш керак, деб Исроилни оғоҳлантириш ва Исроил қўшинларини оккупация қилинган араб территорияларидан олиб чиқиб кетишни талаб қилди».

ВАРШАВА

Польшадаги газеталар Л. И. Брежнев нутқининг баёнини қўйидаги сарлавҳалар остида босиб чиқарди: «Совет сийёсати

ва социалистик мамлакатларнинг бирлиги тинчликка ва кескинликни юмшатишга йўл очиб бермоқда», «Тинч-тотув ливарини принципларини ўрнатилган иборат йўлини энишмай ўтказмоқда».


«Трибуна люду» газетаси Л. И. Брежнев нутқидан Совет Иттифоқи ташқи сийёсатининг асосий проблемаларига доир айтилган гапларини батафсил баён қилиб, қўйидаги гапларни ёзди: Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси битимига келганлиги КПСС ўтказиб келаётган назил сийёсатининг натижаси бўлди, Совет давлати ва у билан иттифоқдош бўлган социалистик мамлакатлар кўп вақтлардан бери қилиб келган ҳаракатларининг натижаси бўлди, иккинчи жаҳон урушининг Европадаги қолдиқларини тугатишга, Ушбу Ватан урушида совет халқи қаҳрамонона олиб борган кураш якуни

«Дер мюрген», «Нойе сайт» ва «Бауэрн эхо» газеталари Л. И. Брежнев нутқига бағишлаган ўзларининг материалларини: «Европада тинчликнинг мустаҳкамлаш учун кескин кураш», «Бутун кўп тинчлик учун курашга», «Социалистик ҳамдўстликнинг мустаҳкам бирлиги» деган сарлавҳалар остида босиб чиқардилар.

ПОЛЬША ЭКСПОРТИ КЎПАЙМОҚДА

ВАРШАВА, (ТАСС). Польша автомобилсозлик саноатининг экспорти йил сайини кўпайиб бормоқда. Варшавадаги енгил автомобиллар заводи «ФИАТ-125» автомобиласини ишлаб чиқара бошлаганига атиги уч йил бўлишига қарамай бугунги кунда Польшанинг ташқи савдо бирлашмаси «Полмот» шу машинадан 16 мингтагини чет элга жўнатди. Шу йилнинг охиригача чет эллик буюртмачилар Польшанинг яна 12 мингта «ФИАТ» машинасини олади.

«Полмот» бирлашмаси юк автомобилларини ҳам чет элга сотмоқда. Совет Иттифоқи Польша автофургонларини ҳарид қилувчи катта импортчилардан ҳисобланади. Бу йил Совет Иттифоқи 9 мингта автофургон харид қилади.



БЕЛГРАД шаҳри кейинги йиллар ичида қад кўтарган маъмурий ва турар-жой бинолари ҳисобига тобора ободонлашиб бормоқда. Суратда (олдинги планда) яқинда қурилб қўйилган топирилган иттифоқ ижроия вечагининг биноси.

В. Егоров фотоси.
ТАСС фотохроикаси.

ВАТАНПАРВАРЛАР ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА

Озодлик матбуот агентлиги Жанубий Вьетнамдан хабар беради: халқ озодлик куролли қўчаларининг жангчилари 19 август кунини Яллай виллоятда 19 йўлда душманининг тўртта бронетранспортерини портлатдилар ва 16 солдатини йўқ қилдилар. Август ойининг охири кунларида Тхиаххен виллоятда

шаддатли жанглар давом этди. 25—27 августда халқ озодлик куролли қўчаларининг бўлимлари кўчирчоқ армиянинг позицияларини ва Конбай районига ёрдамга келган Америка қўшинларига узулсуз ҳужум қилиб турдилар. Ватанпарварлар 26 август кунини душманининг солдат ва офицерларидан 100 дан орттиқ кишини сафдан чиқардилар. Иккинчи кунини душман ўлганлар ва ярадорлар бўлиб 40 кишидан жудо бўлди.

(ТАСС, 31 август).

ЭКРАН ОРҚАЛИ ЛЕКЦИЯЛАР

ВАРШАВА, (ТАСС). Польшада мактаб ўқувчилари учун «Зангори экран лекциялари» деган ўқув телевидение программалари тобора мазкур бўлмоқда. Бу йил мактаб телевидениеи ўзининг ўн йиллигини байрам қилади. 1961—1962 ўқув йилида 93 та программа тайёрланган бўлса, бу йил 340 та программа тайёрланади. Бу йилги ҳамма телевидение программалар мактаб таълимининг янги программаларига мослаштирилди. Телевидение программалар тайёрлашда фаннинг ҳамма соҳаларидан танили мутахассислар қатнашмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ. Охунбобоев номли колхознинг механизаторлари йилги-теримга қизгин тайёрланмоқдалар. Бу ердаги терини агрегатларининг ҳаммаси ремонтдан чиқариб қўйилди. Йулдош Холболтаев ҳам ўзи бошқарадиган терим агрегатларини биринчилар қатори ремонтдан чиқариб қўйган. Суратда: колхознинг илгори механизатори Н. Холболтаев.

А. Абдуллин фотоси.

ЖЎРНАДИСТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Тошкентда навбатдаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ижроия комитети раиси Х. А. Асоев матбуот, телевидение ва радио ходимлари ҳузурида сўзга чиқиб, шаҳарни реконструкция қилиш бош ливарини амалга ошириш юзасидан бажарилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Журналистлар республика пойтахтида қурилган ишларини янада ривожлантиришининг истиқболлари билан таништирди.

(ЎзТАГ).

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ҒАЛАТИ ФАРАЗНИНГ ИСБОТИ

Маълумки, Австралияга инсон зоти Осиёдан ўтган. Тўғрироғи, Жанубий Осиёдан. Кейинги вақтларда эса олимлар австралиялик қадим аҳоли-абортинларнинг ватани аслида Хиндистон бўлган, дейишмоқда.

Хиндистонда илҳомий баъзи халқлар юз тузилишига кура австралиялик абортинларга жуда яқин, айтиш мумкин, бир хил антропологик турга кирди. Ўнг муҳини шундан, улар Хиндистоннинг энг қадимий аҳолисига мансуб автохтонлардир. (Ҳозир ҳам улар келтиб чиқилган илҳомий баъзи халқ ўзини шундай деб атайди).

Нихолт, янада чет эл матбуотида хинд этнограф олимларининг янги ишлари ҳақида маълумот пайдо бўлди. Тадқиқотчилар Марказий Хиндистондаги Рокхистон деган жойда яшовчи кам ўрғанилган қабилаларини текшириб, улар билан австралия абортинларини ўртасида этник ўхшашлар борлигини аниқлашди. Уларнинг рўзгор буюмлари, турмуш тарзи, ов овлан усуллари ҳам ўхшаш бўлиб қолди.

Совет олими В. Р. Кобо энг сўнгги археологик ва этнографик маълумотларни таҳлил қилиб, булар қадимий австралияликлар асли Хиндистондан келиб чиққанлиги ҳақидаги фаразини исботлайди, деган хулосага келди.

ЖАНУБИЙ КЎТБ ҚАЕРДА БЎЛГАН?

Сахрон Кабирда қадим музликларнинг излари топилди. Музликлар бундан 400 миллион йил бурун бу сахрон наираб турган. Жазоир геология институти ташкил этган халққаро геологик экспедицияси олимлари шундай хулосага келишди. Бу янгилик, бир вақтлар Ернинг Жанубий қутби Сахрон Кабирда жойлашган, деган фаразини яна бир қарра исбот қилади.

